



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ER RESURSLARI, GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA  
VA DAVLAT KADASTRI DAVLAT QŪMITASI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIYET VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI**

**Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича қурилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-банди ва унга 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати миқдорлари 2017 йилда 1,246 бараварга индексация қилинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия, картография  
ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси**

Тошкент ш,  
2017 йил "29" сентябр  
6. - сон



А. Абдуллаев

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш,  
2017 йил "29" сентябр,

149



Молия вазири

Тошкент ш,  
2017 йил "29" сентябр,

130 - сон



Г.Саидова

Б.Ходжаев

Келишилган:

Давлат статистика қўмитаси раиси

2017 йил "20" сентябр,



Б. Бегалов